2012 йил 16 август, пайшанба

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 162 (12.223)

Баҳоси эркин нарҳда

## ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 15 август куни Оқсаройда Ўзбекистон Республикаси билан АҚШ ўртасидаги сиёсий маслаҳатлашувларнинг учинчи даврасида иштирок этиш учун мамлакатимизга келган Америка давлат ташкилотлари ва хусусий компаниялари вакилларидан иборат нуфузли делегация раҳбари АҚШ Давлат котибининг Жанубий ва Марказий Осиё бўйича ёрдамчиси Роберт Блейкни қабул қилди.***

Давлатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, Ўзбекистон — АҚШ мулоқоти изчил ривожланиб, мазмунан бойиб бораётганини, ўзаро манфаатли ва узоқ муддатли ҳамкорликни ривожлантиришга томонларнинг интилишлари муштарак эканини алоҳида таъкидлади.

Учрашувда икки томонлама муносабатларнинг муҳим соҳаларидаги ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва истиқболлари муҳокама қилинди. Хусусан, ташқи сиёсат маҳкамаларининг мунтазам мулоқотлари, парламентлараро муносабатлар, давлатлараро даражадаги ҳар томонлама ҳамкорлик ҳамда икки мамлакат фуқаролик жамияти вакиллари ўртасидаги алоқалар ҳақида сўз борди. Томонлар Афғонистон ва Марказий Осиёдаги вазиятнинг ривожланиши, хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш масалалари, шунингдек, мамлакатларимиз манфаатларига дахлдор бошқа муаммолар юзасидан фикр алмашдилар.

Савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига алоҳида эътибор қаратилди. Американинг "General Motors", "Boeng", "Lockheed Martin" ва бошқа кўплаб етакчи компаниялари иштирокида ушбу соҳада ҳамкорлик бўйича яхши тажриба тўплангани таъкидланди. Ўзбекистонда америкалик инвесторлар иштирокида ташкил этилган 241 корхона рўйхатга олинган, мамлакатимизга киритилган тўғридан-тўғри АҚШ сармояси ҳажми эса 2 миллиард доллардан ошди.

Роберт Блейк Америка Қўшма Штатлари раҳбарияти мамлакатимизнинг минтақада хавфсизлик ва изчил ривожланишни таъминлашдаги, Афғонистонни тинч йўл билан тиклашдаги ролини юксак баҳолашини, шунингдек, АҚШ Ўзбекистон билан ҳар томонлама ҳамкорликни янги амалий мазмун билан бойитишдан манфаатдор эканини таъкидлади.

Учрашув якунида давлатимиз раҳбари биринчи марта ҳар икки томондан вазирлик ва идоралар, етакчи иқтисодий тузилмалардан иборат кенг таркибдаги делегациялар иштирок этадиган Ўзбекистон Республикаси билан АҚШ ўртасидаги сиёсий маслаҳатлашувларнинг учинчи даври доирасидаги музокараларга муваффақият тилади.

**(ЎзА)**

## ТАҚДИРИМСАН, БАХТИМСАН, ЭРКИН ВА ОБОД ВАТАН!

21 · МУСТАҚИЛЛИК · INDEPENDENCE · НЕЗАВИСИМОСТЬ · O'ZBEKISTON

### ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ




***Энг улуғ, энг азиз — мустақиллик байрамига юртимизда катта тайёргарлик кўрилмоқда. Жойларда ўтказилаётган байрам шодиёналари юртдошларимиз, айниқса, ёш авлод қалбида Ватанга меҳр ва садоқат туйғусини юксалтиришда улкан аҳамият касб этади.***

## БОҒЛАРДА БАЙРАМ НАШИДАСИ

Ўзбекистон Миллий боғида Ҳамза, Бектемир, Яккасарой ҳамда Шайхонтоҳур туман ҳокимликлари ҳамкорлигида Истиқлолимизнинг 21 йиллигига бағишлаб уюштирилган «Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан!» мавзуидаги тадбирда ҳам ушбу сананинг юртдошларимиз ҳаётида нақадар беқиёс ўрин тутиши айтиб ўтилди. Энг катта бойлигимиз — тинч ва осуда ҳаёт, жамиятимиздаги ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат ва бағрикенглик каби олижаноб фазилатлар, миллий ва умумбашарий қадриятларга уйғун бўлиб яшаш тамойили тобора мустаҳкамланиб бораётгани таъкидланди.

Шайхонтоҳур туманидан «Обиназар» маҳалласида истиқомат қилаётган Муҳаббат ая Қосимова айни дамда 76 ёшда. 31 йил мобайнида физика фанидан болаларга таълим берган. Ҳозир бир ўғил, икки қизи, 10 нафар невараси, 13 нафар эварасига бош бўлиб, уларга доим истиқлол берган неъматлар ҳақида сўзлаб чарчамайди. Биз билан суҳбатда ҳам онахон жойлардаги мисли кўрилмаган ўзгаришлар, янгиланишлар, қурилиш ва таъмирлаш ишлари шаҳримиз кўркига-кўрк бағишлаётгани ҳақида қувониб сўзлади.

– Мустақиллик арафасида шаҳримиз истироҳат боғларида ана шундай кўтаринки руҳда ўтаётган байрамлар юртимизга, халқимизга ярашсинда, – дейди Муҳаббат ая.

Тадбирга йиғилганлар Муножот Йўлчиева, Алишер Рўзметов, Достон Убайдуллаев, Зуҳра Ашурова, Бобур Бобомурод ва бошқа эл суйган шоир ва санъаткорлар иштирокидаги концерт дастуридан баҳраманд бўлишди. Айниқса, Ҳамза туманидаги «Тенгдош» маданият уйи Болалар ашула ва рақс жамоасининг чиқишлари томошабинларда катта таассурот қолдирди.

Тадбир доирасида туманларда фаолият юритаётган корхона ва ташкилотлар, маҳаллалар, ўрта-махсус таълим ҳамда мактабгача таълим муассасалари томонидан миллий ҳунармандчилик ҳамда халқ амалий санъати кўргазмалари ташкил этилди.

(Давоми 2-бетда)

***Мамлакатимизда истиқлол байрами шукуҳи кезиб юрган шу қутлуғ кунларда XXX ёзги Олимпия ўйинларида муваффақиятли иштирок этган спортчиларимиз халқимизнинг энг улуғ, энг азиз байрами – Ватанимиз Давлат мустақиллигининг 21 йиллигига муносиб туҳфа ҳозирлади. 15 август куни Тошкент аэропортида ушбу нуфузли мусобақа ғолиблари, совриндорлари ва иштирокчиларини кутиб олишга бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди.***

## МУЗАФФАР ОЛИМПИАДАЧИЛАР ТАНТАНАЛИ КУТИБ ОЛИНДИ

Шу муносабат билан бу ерга давлат ва жамоат ташкилотлари, жамоатчилик вакиллари, спортчилар, олимпиадачиларнинг ота-оналари ва яқинлари, журналистлар жам бўлди.

...Ниҳоят, орзиқиб кутилган лаҳзалар етиб келди. «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясининг Лондондан кўтарилган авиалайнери Тошкентга қўнгани эълон қилинди. Карнай-сурнай садолари янграйди. Давлатимиз байроғини кўтарган олимпиадачиларимиз она Ватан заминига қадам қўяди. Лобар қизлар уларга гуллар тақдим этади.

Олимпиадачиларни тантанали кутиб олиш маросимини Тошкент шаҳар ҳокими Р.Усмонов очди.

Бундай ҳаяжонли дамларда халқимизга улкан қувонч, фахру ифтихор бахш этган ушбу воқеанинг аҳамияти, мазмун-моҳияти ва асл омиллари кўнгилдан ўтиши табиий. Зеро, бу каби улкан ютуқларга ўз-ўзидан эришиб бўлмайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси И.Собиров, Қонунчилик палатасининг Спикери Д.Тошмуҳамедова, Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тоир, Ўзбекистон ёшларининг «Камолот» ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши раиси Б.Ғаниев ва бошқалар спортчиларимизни юксак зафарлари билан қутлар экан, бу муваффақиятлар Президентимиз раҳнамолигида спорт ривожига қаратилаётган юксак эътибор самараси эканини алоҳида таъкидлади.

– Эркин ва обод Ватанимизнинг спортчиси сифатида Лондон Олимпиадасида «Ўзбекистон» номи, давлатимиз мадҳияси баралла янграшига, мустақил мамлакатимиз байроғи Олимп чўққисида ҳилпирашига ўз ҳиссамни қўшганимдан бахтиёрман, – деди эркин кураш бўйича уч карра Олимпиада чемпиони Артур Таймазов. – Биз, спортчилар эришган муваффақиятлар – бутун халқимизнинг ютуғи. Мамлакатимизда инсонни эъзозлаш, меҳнатини қадрлаш ва муносиб рағбатлантириш доимий эътиборда. Биз, спортчилар камтарона меҳнатимиз давлатимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирлангани учун Президентимиз ва халқимиздан миннатдормиз.

– Пекин Олимпиадасида совриндор бўлганимда йигирма бир ёшда эдим, – деди Пекин ва Лондон Олимпиадалари бронза медаллари совриндори Ришод Собиров. – Ўшанда Президентимиз Ислом Каримов бизни қутлар экан, Сизлар қўлга киритган натижалар бутун халқимизнинг, аввaламбор, сизларга жону дили билан омад ва муваффақият тилаб турган ёшларимизнинг ғалабаси, деб таъкидлаган эдилар. Давлатимиз раҳбарининг бу сўзлари мени дзюдо бўйича кўплаб нуфузли турнирларда ва жаҳон чемпионатларида ғалаба қозонишимга ундаб келмоқда. XXX ёзги Олимпия ўйинларида Ўзбекистон спорт делегацияси аъзолари ичида биринчи бўлиб баҳсларга киришдим. Бу мен учун катта масъулият эди. Чунки жамоамиз аъзоларини руҳлантириш, бизга ишонч билдириб, мусобақаларни катта ҳаяжон билан кузатиб турган халқимиз ишончини оқлашим шарт эди. Бу вазифани уддалай олганимдан, Лондон Олимпиадасида ҳам шоҳсупага кўтарилганимдан хурсандман. Эндиги мақсадим навбатдаги Олимпиадада олтин медални қўлга киритишдир.

Ўзбекистон спортчиларининг Лондон Олимпиадасидаги иштироки ва эришган муваффақиятлари Президентимиз Ислом Каримов томонидан мазкур соҳа ривожига қаратилаётган улкан эътибор ва ғамхўрлик самарасидир. Мамлакатимизда истиқлолнинг дастлабки йилларидан ҳар томонлама баркамол, ҳеч кимдан кам бўлмаган авлодни вояга етказиш давлат сиёсатининг муҳим йўналиши этиб белгиланди. Бунинг муҳим омили сифатида жисмоний тарбия ва спорт умуммиллий ҳаракатга айланди.

(Давоми 4-бетда)

## ҚИСҚА САТРЛАРДА

*Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.*

✓ **ЭРТАГА** Ўзбекистон Миллий матбуот марказида бўлиб ўтадиган тадбир «Ўзбекистон тиббиётининг миллий модели: унинг ўзига хос жиҳатлари, халқаро эътирофлар ва истиқболдаги устувор вазифалар» мавзусига бағишланади.

✓ **БУГУН** Эстрада-цирк коллежида турли номинациялар бўйича ўтказилаётган «Энг намунали фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари» танловининг Яккасарой туман босқичи бўлиб ўтди.

✓ **БУГУН** «Камолот» ЁИҲ Юнусобод тумани Кенгаши қошидаги Ёшлар ижтимоий хизматлари маркази ҳамда «Камалак» болалар ташкилоти ҳамкорлигида «Менинг оилам» мавзуида расмлар танлови ўтказилди.

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### МАМЛАКАТИМИЗДА

- **Мустақиллигимизнинг 21 йиллиги арафасида Самарқанд шаҳридаги «Бафанда» масъулияти чекланган жамияти қошида тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган «Pour cotton textile» қўшма корхонаси ташкил этилди. Бунинг учун 3 миллион АҚШ долларилик тўғридан-тўғри хорижий инвестиция жалб қилинди. Шунингдек, мазкур истиқболли лойиҳа рўёби учун банкнинг 220 миллион сўмлик кредити ҳам йўналтирилди. Пировардида маҳаллий ёшлардан 70 нафари иш билан таъминланди. Корхона тўлиқ қувватга эришгач, яна 30 та иш ўрни яратилади.**
- **Мамлакатимиз мустақиллигининг 21 йиллигига бағишлаб ўтказилаётган «Энг улуғ, энг азиз» республика кўрик-танловининг Самарқанд вилояти босқичи якунланди.**

**Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, Ёзувчилар уюшмаси, Бадиий академия, «Тасвирий ойина» ижодий уюшмаси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур танловда самарқандлик ижодкорлар ҳам фаол иштирок этмоқда. Танловда босма оммавий ахборот воситалари ходимларининг журналистик ишлари, телевидение ва радиода берилган кўрсатув ва эшиттиришлар, ёзувчи ва шоирларнинг бадиий асарлари, тасвирий санъат асарлари номинациялари бўйича ғолиблар аниқланиб, муносиб рағбатлантирилди.**

- **Қўшработ туманидаги «Саид» хусусий корхонаси раҳбари Саидрасул Жовунов банкдан олган 100 миллион сўмлик кредити ҳамда ўз маблағи эвазига йилига 120 тонна қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлайдиган замонавий омборхонани қуриб, ишга туширди.**

### ЖАҲОНДА

- **Германиянинг «Mercedes-Benz» компанияси ишлаб чиқараётган янги русумдаги автомобилларга ўзига хос технологиялар асосида яратилган «Beltbag» хавфсизлик камарлари ўрнатилади. РАТА-ТАСС мухбирининг хабар беришича, 2013 йилга бориб сотувга чиқариладиган ушбу S классдаги автомобилларнинг янги авлоди автоҳалокат чоғида дарҳол шишадиган камарлар билан жиҳозланади. Янги мосламанинг муҳим жиҳати шундаки, у зарба пайтида кўкрак қафаси жароҳатларининг олдини олиш имконини беради. Компания вакилларининг сўзларига кўра, «Beltbag» асосан орқа ўриндиқлар учун мўлжалланган. Чунки олдинда ўтирган ҳайдовчи шундоқ ҳам «Mercedes» машиналарига ўрнатиладиган аъло даражадаги хавфсизлик ёстиқчалари билан ҳимояланиши мумкин.**
- **АҚШнинг «Google» корпорацияси мутахассислари Тайваннинг «Asus» компанияси билан ҳамкорликда «Android 4.1 Jelly Bean» операцион тизимида ишлайдиган «Nexus 7» планшет компьютерини яратди. Мазкур планшетга тўрт ядроли Nvidia Tegra 3 процессори, диагонали етти дюймга тенг дисплей ва 1,3 мегапикселли камера ўрнатилган. «Google» вакилларининг сўзларига кўра, ушбу компьютер автоном тартибда тўққиз соатгача, кутиш режимида эса уч юз соатгача ишлаши мумкин. Хабарларга қараганда, оғирлиги 340 граммга тенг «Android 4.1 Jelly Bean»га электрон тўловларни амалга ошириш имконини берадиган махсус NFC модули ҳам жойлаштирилган.**
- **Кучли ёмғир оқибатида Буюк Хитой деворининг бир қисми қулаб тушди. Маҳаллий матбуотнинг ёзишича, деворнинг қулаб тушган қисми ўттиз олти метрни ташкил этади. Ушбу ҳодиса мамлакатнинг Хэбэй туманида содир бўлган. Қулаган девор атрофидаги жойларда катта ёриқлар пайдо бўлган. Айни пайтда иншоотни қайта тиклаш ишлари олиб борилмоқда.**



***Мустақилликнинг йигирма бир йиллик шодиёнаси ҳар бир фуқаронинг қалбида, онгу тафаккурида нурли бир садо бўлиб янграмоқда. Шаҳримизнинг қай бир масканига борманг, куй ва қўшиқларнинг майин наволари остида истиқлолимиз туҳфа этган ёруғ кунлар нашидаси нишонланаётганининг шоҳиди бўламиз.***

**Танловлар**

# ҒОЛИБЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

Шундай улуғ шодиёна арафасида Тошкент шаҳар матбуот ва ахборот бошқармаси томонидан Тошкент Фотосуратлар уйида Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма бир йиллик байрами муносабати билан «Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан!» шиори остида ўтказилаётган анъанавий «Энг улуғ, энг азиз» Республика кўрик-танловининг шаҳар босқичи ғолибларини тақдирлаш маросими ўтказилди.

Тадбирда Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Шерзод Ғуломов, «Тасвирий ойина» ижодий уюшмаси раиси Исфандиёр Латипов ва бошқалар сўзга чиқди. Бу йилги танлов комиссиясига оммавий ахборот воситаларида фаолият олиб борувчи журналистларнинг юздан ортиқ ижодий материаллари келиб тушди. Айтиш жоизки, ҳакамлар ҳайъати томонидан журналистларнинг юртимизда барча соҳаларда амалга оширилаётган улканислоҳотлар самараси ва халқимиз эришаётган ютуқларни тўла акс эттирган ижодий материаллар саралаб олинди.

Бугунги кунда халқимизнинг тинч-осойишта ҳаёти, юртимизда хавфсизлик ва барқарорлик таъминлангани, Ватанимизнинг қудрати ва салоҳияти, халқаро майдондаги обрў-эътибори тобора ортиб бораётганини ўзида акс эттирган ижодий материаллар эътирофга лойиқ деб топилди. Бу каби танловларнинг ташкил этилиши эса, давлатимиз раҳбари ва ҳукуматимиз томонидан оммавий ахборот воситалари ҳамда журналистлар учун яратилаётган қулай шарт-шароитлар ва соҳа ривожи учун берилаётган катта эътибор самарасидир.

ОАВ ходимларининг журналистик ишлари йўналиши бўйича Қутпитдин Низамов, Телевидение ва радио ижодкорларининг ишлари йўналиши бўйича Фотима Каюмходжаева ва Абдухалил Абдувахобовлар ғолиб топилиб, уларга диплом ва эсдалик совғалари топширилди. Биз танлов ғолибларининг фикрлари билан қизиқдик.

— Мустақиллигимизнинг йигирма бир йиллик тўйи арафасида «Энг улуғ, энг азиз» кўрик-танловининг ўтказилишининг ўзиёқ Президентимиз ва ҳукуматимизнинг ОАВ ходимларига бўлган эътибори, қилаётган меҳнатларига эътирофининг натижаси деб биламан, — дейди Тошкент телерадиоканали «Пойтахт» информацион дастурлар бош муҳарририяти бош муҳаррири ўринбосари Абдухалил Абдувахобов. — Бундай кўрик-танловларнинг ўтказилиши ҳар бир ижодкорга, жумладан ОАВ ходимларига катта масъулият юклайди. Бу мукофотнинг салмоғи шунчалик оғир бўладики, энди бунга яраша ўз меҳнатимиз, ўз ижодимиз билан жавоб беришимиз керак. Бундан ташқари буни ижодкор дўстларимнинг қилаётган меҳнатларига берилган баҳо деб ҳам ўйлайман. Ушбу кўрик-танловда иштирок этиб, ғолиб бўлганимдан жуда хурсандман. Ҳар бир ижодкорнинг обод ва озод Ватанни мадҳ қилувчи асарлари билан танловда иштирок этишларига тилакдошман.

— 30 йилдан бери матбуот соҳасида фаолият олиб бораётган бўлсамда, ҳаётимда биринчи маротаба бундай кўрик-танловда иштирок этиб, ғолиб бўлишим, — дейди Тошкент Тиббиёт академияси қошида чоп этиладиган «Тиббиётнома» газетаси бош муҳаррири ўринбосари Қутпитдин Низамов. — 20 йилдан бери «Тиббиётнома» газетасида меҳнат қилиб келмоқдаман. Камтарона меҳнатларимизни эъзозлаб, ғолиб топишганидан беҳад хурсандман. Газетамизни чоп этишнинг илк даврларида эски техникалардан фойдаланган бўлсак, мана энди жараённи компьютер технологиялари асосида амалга оширмоқдамиз. Буларнинг барини истиқлол шарофатидан деб биламан. Бундай кунларга эришганимизга шукроналар айтаман. Юксак ютуқ биргина меники эмас, балки Тошкент Тиббиёт академияси жамоасининг ҳам ютуғидир.

— Ғоликликни қўлга киритиш мен учун кутилмаган янгиликка айланди. Юртимизда ижодкорларга қаратилаётган катта эътибор туфайли шундай ютуқларга эришмоқдамиз, — дейди Тошкент телерадиоканали «Пойтахт» информацион дастурининг олий тоифали режиссёри Фотима Каюмходжаева. — Ижодий ишларимизда янгидан янги марраларга эришишимизда бундай кўрик-танловларнинг ўрни беқиёсдир. Танловда қанчадан қанча ижодкорлар иштирок этди. Уларнинг барига ижодий баркамоллик тилаб қоламан.

Шаҳар босқичи ғолибларини тақдирлаш маросимидан сўнг «Истиқлол неъматлари» мавзусидаги фотосуратлар кўргазмаси намойиш этилди.

**Зиёда РАСУЛОВА**
**Козир Ўлмасов олган сурат**

# БОҒЛАРДА БАЙРАМ НАШИДАСИ

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

2004 йилда Яккасарой туманида ўз ишини бошлаган «IRODAT-TEKS» МЧЖ аввалига турли соҳа вакиллари учун кийим-кечак тикиш билан шуғулланди. Ўтган йилдан бошлаб эса барча ёшдаги кишиларга турли кўринишдаги трикотаж маҳсулотларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйди.

– Бугунги кунда корхонамизда фаолият кўрсатаётган юзга яқин ишчиларимизнинг 80 фоизини ёшлар ташкил этади, – дейди жамият модельер-дизайнери Шоолим Шомуқимов. – Эндиликда ишлаб чиқариш кўламини кенгайтириш мақсадида туманда 400 кишига мўлжалланган тикиш-бичиш корхонасини очмоқчимиз.

«IRODAT-TEKS» МЧЖ мамлакатимиз миқёсида ўтказилган кўплаб танловлар ғолиби саналади. Корхона томонидан ишлаб чиқарилаётган кийим-кечак маҳсулотларининг чет элга экспорт қилинаётганини ҳам таъкидлаб ўтиш жоиз.

Байрам тадбирида Шайхонтоҳур туманида жойлашган «Mashriq mash'ali» ўқув маркази ҳам ўзининг кўргазмали чиқишлари, буклетлари билан иштирок этди.

– Даргоҳимизга қатновчиларнинг ёшига қараб 25 дан зиёд соҳа йўналишида билим берамиз, – дейди ўқув маркази раҳбари Нилуфар Мўминова. – Шундан энг асосий йўналишлардан бири, бу мустақил ҳаётга қадам қўяётган қизларни келинликка тайёрлашдир. Бу курсларда қизларни нафақат тикиш-бичиш, пазандачилик ва касб-ҳунарга ўргатишади, балки психология, муомала ва муроса илми, қоматни гўзаллаштириш ва орасталик дарсларидан сабоқ беришади. Мазкур курслар албатта ёш оилаларнинг турмушининг ширин, бекаму-кўст бўлишини таъминлашига ишончимиз комил.

Ўқув даргоҳидаги диққатга сазовор ишлардан яна бири бу — республикамиз миқёсидаги кам таъминланган оилалар ва уларнинг фарзандлари марказда чегирма ёки бепул таълим олишлари мумкин.

Тадбирда иштирок этган Қизил Ярим Ой жамияти Ҳамза туман бўлими жамоаси аҳолини фавқулодда вазиятларда ўзини қандай тутиш ва кишиларнинг турли жароҳатланиши ҳолатларида биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича кўргазмали чиқишлар қилди.

**Отабек ОТАЁРОВ**

**Анжуман**

# МУСТАҚИЛЛИК — МЕНИНГ ТАҚДИРИМДА

***Республика Маънавият тарғибот марказида мамлакатимиз мустақиллигининг 21 йиллигига бағишлаб «Мустақиллик – менинг тақдиримда» мавзуида маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.***

Унда Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти ҳузуридаги офицерлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш факультети тингловчилари, марказ мутахассислари ҳамда журналистлар иштирок этди.

Республика Маънавият тарғибот маркази раҳбари Ғ.Мирзаев ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида истиқлол йилларида мамлакатимизда хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш, тинч-осойишта ҳаётимизнинг мустаҳкам ва ишончли кафолати бўлган замонавий Қуролли Кучларни шакллантириш, унинг қудрати ва салоҳиятини ошириш, миллий армиямиз сафида хизмат қилаётган ёшларни миллий анъана ва қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Мазкур тадбирдан кўзланган асосий мақсад тингловчиларни мустақиллик туфайли жамиятимизда амалга оширилаётган ўзгариш ва янгиланишлар мазмун-моҳиятидан кенгроқ хабардор этишдан иборат. Чунки халқимиз эришаётган ютуқлар замиридаги улкан изланиш ва фидойилик ҳарбий хизматчиларимизда Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат, мамлакат тақдирига дахлдорлик туйғуларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

**З.ЖОНИБЕКОВ,**
**ЎзА мухбири**





Аъло Абдуллаев (ЎзА) олган сурат

***Мамлакатимиз мустақиллигининг 21 йиллиги арафасида пойтахтимиздаги 22-Меҳрибонлик уйи янгича қиёфа касб этди. Меҳрибонлик уйининг «Меҳр нури» жамғармаси томонидан капитал реконструкция қилинган замонавий биноси фойдаланишга топширилди.***

# БОЛАЛАРГА БАЙРАМ ТУҲФАСИ

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида олиб борилаётган кучли ижтимоий сиёсат жараёнида ҳар бир болага меҳр ва эътибор кўрсатилмоқда. Уларнинг ҳар жиҳатдан баркамол бўлиб voяга етиши, таълим-тарбия олиши, ўз қизиқиши ва лаёқатига мос касб-ҳунар эгаллаши учун зарур барча шароит ва имкониятлар яратилаётир.

«Меҳр нури» жамғармаси юртимизнинг турли ҳудудларида шифохоналар, оилавий поликлиникалар, спорт мажмуалари, мактабларни капитал реконструкция қилишга муносиб ҳисса қўшмоқда.

Тошкент шаҳридаги 22-Меҳрибонлик уйининг биноси ҳам ана шундай хайрли ишлар натижасида замонавий қиёфа касб этди. Бинонинг муҳандислик-коммуникация, электр тармоқлари, иситиш-совутиш тизими тўлиқ янгиланди. Шинам ўқув хоналари, ахборот-ресурс маркази, компьютер синфлари, дам олиш ва тўгарак хоналари, ётоқхона ва ошхона замон талаблари асосида жиҳозланди. Қўшимча бино қад ростлаб, махсус синфхоналар, спорт мажмуаси, кийим ювиш хоналари бунёд этилди.

– Муассасамизда болаларнинг яшаши, таълим олиши учун зарур барча шароитлар яратилди, – дейди ЎзА мухбирига Меҳрибонлик уйи директори вазифасини бажарувчи Хурсаной Холова. – Бу болажонларимиз учун энг улуғ, энг азиз байрамимиз арафасида ажойиб совға бўлди.

**Назокат УСМОНОВА**

**Экология**

# ЭКОТУРИЗМ РИВОЖЛАНИШ ЙЎЛИДА

***Бугунги кунда экотуризм бутун дунёда энг сердаромад соҳалардан бирига айланди. Экспертларнинг фикрича, бу тармоқни янада ривожлантириш нафақат ижтимоий-иқтисодий масалаларни самарали ҳал этиш, балки экологик муаммоларни бартараф қилишда ҳам муҳим аҳамият касб этади.***

Пойтахтимизда экотуризмни ривожлантириш орқали биологик хилма-хилликни асраш ва табиий ресурсларни тежаш борасидаги долзарб вазифаларга бағишланган семинарда шу ҳақда сўз юритилди. Ўзбекистон Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Марказий Осиё минтақавий экологик маркази, Глобал экологик стратегиялар институти (IGES) билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирда тегишли давлат, жамоат, халқаро ташкилотлар вакиллари, олимлар ва мутахассислар иштирок этди.

Ўзбекистон бой табиий ресурслар, бетакрор ўсимлик ва ҳайвонот оламига эга. Ушбу салоҳиятни асраш ва кўпайтириш мақсадида кўплаб миллий дастур ва лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «2008-2012 йилларда Ўзбекистон Республикасининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ишлари дастури тўғрисида»ги қарори бу йўналишда амалга оширилаётган ишлар кўламини кенгайтиришда муҳим дастуруламал бўлаётир.

Мамлакатимизда экотизим барқарорлигини таъминлашга йўналтирилган ишлар жараёнида табиатдан фойдаланишнинг иқтисодий механизмларини такомиллаштириш, атроф-муҳитга инсон омилининг салбий таъсирини камайтириш, чиқиндиларни зарарсизлантириш, ишлаб чиқаришга соф технологияларни жорий этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунинг натижасида ташланаётган чиқиндилар миқдори йилдан йилга камаймоқда. «Яшил иқтисодиёт»ни жорий этиш, инновация технологияларини ривожлантиришга йўналтирилган лойиҳалар кўлами кенгаймоқда.

Экологик туризмни ривожлантириш – юртимизда амалга оширилаётган ижтимоий ислоҳотларнинг муҳим йўналишларидан. Ўзбекистон Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасидан маълум қилишларича, ҳозирги кунда юртимизнинг кўплаб ҳудудларида бундай ишлар кенг йўлга қўйилган. Бухоро вилоятидаги «Жайрон» экомарказида, Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ тумани, Қорақалпоғистон Республикаси Мўйноқ тумани, Жиззах вилояти Зомин туманидаги табиий ҳудудларда экотуризм хизмати кўрсатиш инфратузилмалари яратилган.

Семинарда экологик туризмни ривожлантириш борасида халқаро ва миллий тажрибани уйғунлаштирган ҳолда ушбу фаолиятни ривожлантириш истиқболларига бағишланган маърузалар тингланди.

**Б.ХИДИРОВА,**
**ЎзА мухбири**

***Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси «ЭКОСАН» халқаро жамоат фонди, «Чинор» Экологик нашриёт компанияси билан ҳамкорликда 2012 йил – «Барқарор энергетика барча учун» Халқаро йилига бағишланган «Республикада қайта тикланувчи энергия манбаларини татбиқ қилиш тажриба ва истиқболлари» мавзусида матбуот анжумани ўтказилди.***

# ҚАЙТА ТИКЛАНУВЧИ ЭНЕРГИЯ МАНБАЛАРИ ЖАДАЛ ТАТБИҚ ЭТИЛМОҚДА

Тадбирда қатор вазирлик, идора, жамоат ташкилотлари вакиллари, энергетика соҳасида фаолият юритаётган олим ва мутахассислар, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Энергетика ҳар бир одамнинг ва умуман жамиятнинг ҳаётида муҳим ўрин тутади. Сўнгги 40 йил ичида одамларнинг энергияга бўлган талаби сезиларли даражада ошди, шу даврда бутун инсоният тарихи давомида қазиб олинган органик ёқилғидан ҳам кўпроқ ёқилғи қазилди.

— Бугунги кунда қайта тикланувчи энергия манбаларини татбиқ қилиш ва улардан кенг фойдаланиш масаласига эътибор кундан кунга кучайиб бормоқда, — дейди Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раиси Наримон Умаров. — Бу бежиз эмас. Зеро, бир йилда табиий ёқилғи ишлатиш миқдори дунё бўйича 12 миллиард тонна нефть эквивалентига тўғри келади (тахминан бир кишига 2 тонна). Қазиб олинаётган нефть, табиий газ, кўмир ва уран ҳозирги вақтда дунёда асосий энергия манбалари ҳисобланади. Албатта, органик ёқилғининг қанча даврга етишини аниқ айтиш қийин, лекин дунё олим ва мутахассисларининг таҳлилларига кўра ҳозирги вақтдагидек суръатларда ишлатилганда дунёдаги қазиб олинаётган нефть заҳиралари 45-50 йилга, табиий газ заҳиралари 70-75 йилга, тошкўмир заҳиралари 165-170 йилга, қўнғир кўмир заҳиралари 450-500 йилга етади. Органик ёқилғининг бундай миқдорларда ишлатилиши атроф-муҳитга салбий таъсирини кўрсатмай қолмаяпти. Айниқса, парник газларининг ҳосил бўлиши ва бунинг оқибатида иқлим ўзгариши муаммолари келиб чиқмоқда. Шунинг учун ҳам, қайта тикланувчи энергия манбаларидан кенгроқ фойдаланиш, бу соҳада илмий тадқиқотлар ва амалий ишларни амалга ошириш ҳар бир мамлакатнинг муҳим ва устувор вазифаларидан бўлиб келмоқда.

Ўзбекистонда энергия истеъмолини қисқартириш, қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланишга йўналтирилган иқтисодиёт соҳаларини модернизация қилиш Дастури муваффақиятли амалга оширилмоқда, Тоза ривожланиш механизми лойиҳалари бажарилмоқда. Чекланган углеводород энергетик ресурсларга муқобил тарзда қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишга ўтилмоқда. Энергетик балансга бир вақтнинг ўзида экологик тоза бўлган қайта тикланувчи энергия манбаларини кенг жалб қилиш атроф-муҳитга техноген таъсирларнинг камайиши нуқтаи назаридан ҳам талаб қилинмоқда. Бундан ташқари қайта тикланувчи энергия манбалари ижтимоий муаммоларни ҳал қилишда муҳим омил ҳисобланади, жумладан, аҳоли яшаш жойларида бандликни таъминлайди.

Анжуман давомида Ўзбекистон дунёдаги энергия мустақиллигига эга бўлган камсонли мамлакатлардан бири эканлиги, бизда электр энергия ишлаб чиқаришда ресурсларнинг асосини табиий газ ва нефть маҳсулотлари ташкил қилиши, углеводород ресурсларини тежашда, мамлакатнинг энергия хавфсизлигини таъминлашда қайта тикланувчи энергия манбаларининг муҳимлиги, шунингдек, (ҚТЭМ) марказлашган энергия манбаларидан (электр энергияси, табиий газ, иссиқ сув) узоқда яшайдиган аҳолини, тоғ ва чўлларда истиқомат қилувчи аҳолини, мавсумий ишдагилар ёки экспедициядагиларни электр энергиясига, иссиқлик ва ичимлик сувга бўлган талабларини қондиришда ҳал қилувчи аҳамиятга эгалигини ҳисобга олган ҳолда бу йўналишни ривожлантиришга кўпроқ аҳамият қаратилаётгани ҳақида гапирилди.

Бундан ташқари ҳозирги вақтда бу соҳада етарлича тажриба тўпланган. Қайта тикланувчи энергия манбаларининг кўпгина қурилмаларидан фойдаланиш бўйича ўтказилган тажрибалар шуни кўрсатадики, уларга бошланғич тарзда нисбатан катта маблағ сарфлансада, иқтисодий жиҳатдан улар ўзларини оқлайдилар. Бирламчи энергия ташувчилар нархларининг ошиб кетиши (геологоразведка, қазиб олиш, етказиб бериш) ва иккинчи томондан қайта тикланувчи энергия технологияларининг ривожланиши билан бу энергия тобора рақобатбардош бўлиб бориши ҳақида ҳам сўз юритилди.

Экологик тоза қайта тикланувчи энергия манбаларини кенг тарғибот-ташвиқот қилиш, хўжаликнинг турли соҳаларига татбиқ этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳузурида ихтисослашган махсус «Эко-энергия» илмий-татбиқий маркази фаолият олиб бормоқда.

«Эко-энергия» маркази томонидан корхона ва ташкилотларнинг буюртмаси асосида Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларда бир қатор қуёш фотоэлектр станциялари (ёритиш, телевизор, радио, алоқа, қудуқлардан сув тортиш ва ҳ.к), гелиосувиситкичлар, биогаз ва биоорганик ўғит (биогумус) олиш қурилмалари (қишлоқ хўжалиги, саноат ва маиший чиқиндилардан), микро-ГЭС ўрнатилди ва ишга туширилди.

Ўзбекистон Республикасининг ўзига хос иқлим шароитларида қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишнинг келажаги порлоқ. Матбуот анжуманида бу соҳада фаолият юритаётган мутахассислар ўз маърузаларида тўплаган иш тажрибалари, олдинда турган мақсад ва вазифалари тўғрисида батафсил маълумот беришди.

**Нилуфар АБДУРАҲМОНОВА**

# ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ

***Тошкент шаҳар Касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгашида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг 2012 йилнинг биринчи ярим йиллиги давомидаги фаолияти тўғрисида»ги мажлиси қароридан келиб чиққан ҳолда пойтахт касаба уюшмаларининг вазифаларини белгилаб олишга бағишланган бирлашма кенгаши йиғилиши бўлиб ўтди.***

## КЕНГАШ ФАОЛИЯТИ САМАРАДОРЛИГИ ОШМОҚДА

Унда шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Бахтиёр Ҳамидов маъруза қилиб, жумладан қуйидагиларни таъкидлаб ўтди.

Жорий йилнинг 26 январида ўтказилган Федерация Кенгашининг 4-мажлисида фаолиятнинг 2012 йилдаги 9 та устувор йўналишлари белгилаб олиниб, олдимизда амалга оширишимиз учун тегишли вазифалар қўйилган эди.

Бирлашма Кенгаши ва унинг тасарруфидаги ташкилотлар шундан келиб чиққан ҳолда белгилаб олинган йўналишлар бўйича 2012 йилда шаҳар ташкилотларида аниқ мақсадли ишларни амалга ошириб келмоқдалар. Хусусан, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқишда пойтахт касаба уюшмалари фаол иштирок этиб, касаба уюшмалари, жумладан бошланғич ташкилотлар фаолиятининг ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлашга қаратилган Ўзбекистон Республикасининг «Касаба уюшмалари тўғрисида» янги таҳрирдаги ҳамда «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги Қонун лойиҳалари ишлаб чиқилди ва пойтахт жамоатчилиги ўртасида кенг муҳокама қилинди.

Йил сайин давлат ва нодавлат ташкилотлари билан ижтимоий шерикчилик кўлами кенгайиб бормоқда. Тошкент шаҳар ҳокимлиги, бирлашма Кенгаши ва шаҳар Савдо-саноат палатаси ўртасида 2011-2013 йилларга ижтимоий ҳамкорлик тўғрисидаги ҳудудий Келишувга биноан, пойтахтимиз аҳолиси ва меҳнаткашларининг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш масалалари бўйича салмоқли ишлар амалга ошириб келинмоқда. Ҳудудий Келишувда белгиланган томонлар мажбуриятларининг ижроси юзасидан шаҳар ҳокимлигининг бошқарма бошлиқлари, туман ҳокимликлари, шаҳар Савдо-саноат палатаси мутасаддилари ва касаба уюшма фаоллари иштирокида йил давомида икки маротаба йиғилиш ўтказилиб, Келишув бўйича амалга оширилган ишлар муҳокама қилиниб, вазифалар белгилаб борилмоқда.

Бугунги кунда бирлашма ва тармоқ ташкилотлари Кенгашларининг 30 дан зиёд давлат, нодавлат нотижорат ташкилотлари ўртасида ҳамкорлик битимлари, қўшма чора-тадбирлари имзоланиб, уларнинг бажарилиши юзасидан доимий мониторинг олиб борилмоқда.

2012 йилдан бошлаб бирлашма Кенгаши ва Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Тошкент шаҳар ҳудудий бўлинмасининг ҳамкорликдаги ишлари йўлга қўйилиб, ўзаро тадбирлар бошлаб юборилди.

Мамлакатимизда 2012 йилнинг «Мустаҳкам оила йили» деб эълон қилиниши муносабати билан тасдиқланган Давлат дастурини амалга татбиқ этиш юзасидан йилнинг биринчи ярми давомида пойтахт корхона, ташкилот ва муассасаларидаги имзоланган жамоа шартномаларига киритилган қўшимча имтиёз ва кафолатлар орқали 190 та корхонада 930 нафар кам таъминланган оилалар вакилларига 79,1 млн. сўм моддий ёрдам кўрсатилди; 22 та корхонада 155 нафар оилага мамлакатимизда ишлаб чиқарилган, узоқ муддат фойдаланиладиган товарлар, шунингдек, уй-жой қурилиши учун янги оила қурган ёшларга 98 млн. сўмлик фоизсиз ссудалар берилди; 38 та корхонада олий ўқув юртларида таҳсил олаётган 75 нафар талабалар учун контракт пулларининг бир қисмини қопланиб, бу мақсадларга 150 млн. сўм тармоқ корхоналарида кам таъминланган, боқувчисини йўқотган 35 та оилаларнинг фарзандлари учун дарсликлар, ўқув қуроллари харид қилиш учун харажатлари қисман қопланиб 1 млн. 755 минг сўм сарфланган, 75 та корхонада 251 нафар фарзандлари 2 ёшдан 3 ёшгача тўлгунга қадар бўлган ёш оналарга 27 млн. 742 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди; «Усто-шогирд» йўналиши бўйича «Энг яхши уста ва шогирд» танловларини жорий этиб, уларни рағбатлантириш, ишга жойлашган битирувчиларнинг мониторингини олиб бориш, бу ишларни оммавий ахборот воситаларида тарғиб этиш ишлари йўлга қўйилди. Ярим йил давомида пойтахтдаги 4385 та корхоналарда жами 40947 та ўқувчи амалиёт ўтаб, Федерация Кенгаши қарорида белгиланган энг кам иш ҳақининг 20 фоиз миқдорида бир марталик моддий ёрдам кўрсатилди. 1236 нафар ўқувчига 19,2 млн. сўм миқдорида кўмак берилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 19 мартдаги 88-сонли «Иш ҳақи ўз вақтида тўланишига доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорининг қатъий бажарилишини таъминлаш юзасидан бирлашма Кенгаши иш ҳақидан қарздорликни доимий назоратга олган ҳолда, ҳар ойда барча тармоқ касаба уюшмалари шаҳар ташкилотлари хизматидаги корхоналарда иш ҳақидан қарздорлик бўйича маълумотларни таҳлил қилиб келмоқда. 2012 йилнинг 1 июнь ҳолатига тармоқ касаба уюшмалари шаҳар ташкилотлари хизматидаги ташкилотларда иш ҳақидан қарздорлик 6 млрд. 989 млн. 481 минг сўмни ташкил этган эди. 6 ой давомида иш берувчилар олдига қўйилган 9 та расмий талабномалар орқали 2 млрд. 529 млн. 206 минг сўм иш ҳақидан қарздорлик ундирилди.

2012 йилнинг бир ярим йили давомида ишчи-хизматчилардан фақатгина ҳуқуқий масалаларга доир жами 28 та ёзма, 97 та оғзаки мурожаатлар келиб тушиб, барча мурожаатлар муддатида ижобий ҳал этилди.

Меҳнаткашларга қулай ва хавфсиз меҳнат шароитларини яратиш, меҳнат ва меҳнат муҳофазасига оид масалаларга эътиборни ошириш, жамоатчилик назоратини кучайтириш корхона ва ташкилотларнинг ижтимоий ривожланишида муҳим роль ўйнайди.

Бу борада, Бирлашма Кенгаши томонидан сезиларли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, барча туманларда, тармоқ Кенгашларида, шунингдек, таълим ва фан ходимлари тармоқ Кенгаши хизматидаги таълим муассасаларида юқоридаги мавзуда семинарлар ўтказилиб, уларда 6000 нафардан зиёд иш берувчилар, касаба уюшма фаоллари, техник хавфсизлик бўйича муҳандислар иштирок этдилар.

Республикамизнинг турли қадамжоларига саёҳатлар ташкил этиш пойтахт меҳнаткашлари томонидан илиқ қарши олинмоқда. Уларнинг истакларини инобатга олиб, бу йили бирлашма ва тармоқ шаҳар ташкилотлари томонидан 3212 нафар меҳнаткашлар, кам таъминланган оилалар фарзандлари, шунингдек, таълимда юксак натижаларга эришаётган ўқувчи ва талабалар учун Бухоро шаҳрининг тарихий масканлари ва диққатга сазовор жойларига саёҳатлар уюштириш бошлаб юборилди. Шу каби, Самарқанд шаҳрига ҳам 6096 нафар меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзоларининг саёҳатлари уюштирилди.

5 нафар иқтидорли олий ўқув юрти талабаларига Тошкент шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгашининг 3 млн. 775 минг миқдордаги стипендияси 10 нафар коллеж ўқувчиларига 682 минг сўм миқдордаги қимматбаҳо совғалар берилди.

20 июлга қадар стационар турдаги оромгоҳларда саккиз мингга яқин ва 36 та мактаблар қошидаги оромгоҳларда 8623 нафар болалар дам олдилар ва соғломлаштирилмоқдалар. Шулардан, 1250 нафар бола Қорақалпоғистон меҳнаткашлари фарзандларидир.

Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан 100 нафар уруш ва меҳнат фахрийларига 20 млн. сўм миқдорида моддий ёрдам берилди.

Меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзоларининг дам олишларини ташкил этиш муҳим вазифа бўлиб, санаторийларда жами 1460 киши соғломлаштирилди. Бу мақсадларга ягона ижтимоий тўловлар маблағлари ҳисобидан 794,3 млн. сўм маблағ сарфланди. Ўқув юртлари қошидаги санаторий-профилакторийларда эса 669 нафар талаба ва ўқувчилар соғломлаштирилиб, 97,6 млн. сўм маблағ сарфланди.

Маъруза юзасидан муҳокамаларда сўзга чиққанлар ҳам ютуқларни таҳлил этиб, мавжуд муаммоларга танқидий руҳда ёндошган ҳолда келгусида фаолиятларини янада такомиллаштириш юзасидан ўринли таклифларни билдирдилар.

Тадбир сўнггида кўриб чиқилган масалалар юзасидан Тошкент шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши тегишли қарор қабул қилди.

**Дилшод ИСРОИЛОВ**

## ҲАМКОРЛИКНИ КЕНГАЙТИРИШ — ДАВР ТАЛАБИ

***Республикамизда хотин-қизларни ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоялаш, аёлларнинг жисмоний, маънавий ва интеллектуал савиясини юксалтириш борасида амалга оширилаётган кенг қамровли ишлар ўз самарасини бермоқда. Мамлакатимизда тизимли равишда бир-бирининг узвий ва мантиқий давоми сифатида амалга ошириб келинаётган Давлат дастурларида ҳам хотин-қизлар манфаатларига йўналтирилган тадбирларга алоҳида эътибор қаратиб келинаётганлиги хотин-қизларга бўлган эътибор ва ғамхўрликнинг яна бир ёрқин ифодасидир.***

Республикада энг йирик жамоат ташкилотлари ҳисобланган касаба уюшмалари ҳамда хотин-қизлар қўмиталари фаолиятида ҳам хотин-қизлар ва уларнинг меҳнат соҳасидаги ҳуқуқлари ҳамда ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоялаш масаласи алоҳида ўрин тутади. Бунда касаба уюшмалари фаолиятининг асосини ташкил этувчи жамоа шартномалари ва келишувлар, уларни амалга ошириш механизми ҳисобланган ижтимоий шериклик тамойилининг аҳамияти ниҳоятда каттадир.

Бу йўналишдаги ишларда янги амалий натижаларга эришиш, хотин-қизлар қўмиталари ва касаба уюшмалари фаолиятига замон талабларидан келиб чиқиб, янгича ёндошган ҳолда фаолият самарадорлигини оширишга қаратилган устувор вазифалар белгилаб олинди.

Алоҳида таъкидлаш зарурки, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Тошкент шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши ҳамда Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси ўртасида 2011 — 2013 йилларга тузилган ижтимоий ҳамкорлик тўғрисидаги ҳудудий келишувнинг имзоланиши касаба уюшмалари фаолиятини янги босқичга олиб чиқиш ва ижро ҳокимияти, давлат ва жамоат ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш, шу орқали ходимлар манфаатдорлигини ошириш учун янги мустаҳкам замин яратди, десак муболаға бўлмайди.

Шунингдек, Тошкент шаҳар хотин-қизлар қўмитаси ва пойтахт касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгашининг йил бошидаги Раёсат йиғилиши қарори билан мамлакат ҳаётининг турли соҳаларида фаолият юритаётган хотин-қизларнинг меҳнатга оид, ижтимоий-иқтисодий, маънавий ҳуқуқларини ҳимоялаш ҳамда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш юзасидан тасдиқланган 2012 йилда амалга оширадиган қўшма тадбирлари ҳам ҳар иккала ташкилот ўртасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга замин бўлди.

Халқаро Оила куни муносабати билан ўтказилган «Энг намунали ёш оила» кўрик-танловининг туман ва шаҳар босқичлари, Халқаро Болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишланган бир қатор тадбирлар, Турин Политехника университетида ташкил этилган «Аёллар спорт фестивали», барча туманларда уюштирилган «Мустаҳкам оила — маҳалла таянчи» мавзусидаги илмий-амалий конференциялар, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари иштирокида куни кеча бўлиб ўтган Республика анжумани ва бошқа тадбирларнинг ҳамкорликда юқори савияда ўтказилганлиги ҳам фикримиз далилидир.

Бугунги кунда касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгашининг ходимлар, шу жумладан, хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқлари ҳамда ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоялаш, репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, хотин-қизлар ва уларнинг фарзандларини соғломлаштириш, ишловчи аёллар малакасини ошириш ишларининг сифати ва самарадорлигини кучайтириш, хотин-қизларни дам олдириш, маънавий савияларини юксалтириш, жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб қилиш ҳамда шу орқали соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратаётгани яққол сезилмоқда.

Ушбу йўналишдаги ишларни янада кучайтириш мақсадида Федерация кенгашидан бошлаб ҳудудий кенгашлар ҳамда корхона ва ташкилотлар касаба уюшма қўмиталари қошида тузилган хотин-қизлар билан ишлаш комиссияларининг туман ва шаҳар хотин-қизлар қўмиталари билан ҳамкорликда олиб бораётган фаолиятларини бундан-да ривожлантириш келгусида яхши натижалар беради.

**Азиза ШАХОДЖАЕВА,**
**Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш Котибияти мудири**



***Яқинда Ўзбекистон давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури доирасида ўқув семинар бўлиб ўтди.***

**Анжуманлар**

## ДАСТУР ДОИРАСИДА ЎҚУВ СЕМИНАРИ

Тадбирни Ўзбекистон давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Тошкент шаҳар Кенгаши раиси А.Иноғомов кириш сўзи билан очар экан, бугунги жадал ривожланаётган даврда мустақилликнинг эзгу ғоялари, ёшларнинг интилишларини қўллаб-қувватлаб, энг муҳими, истиқлолимизнинг йигирма бир йиллигини муносиб равишда кутиб олиш борасида сўз юритди.

Тадбирда мустақиллик берган имкониятлардан фойдаланган ҳолда қўлга киритилаётган оламшумул муваффақиятлар ҳақида қизғин фикрлар алмашинди. Шунингдек, семинарда «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастурининг мазмун-моҳияти, «Мустақиллик биз учун ўзлигимизни англаш, юрт тинчлиги ва барқарорлигининг, инсон манфаати, эркинлиги ва фарвонлигининг гаровидир» мавзусида фикр юритилиб, бу борада касаба уюшмаларининг ўрни ва вазифалари хусусида тўхталиб ўтилди.

Ўқув-семинар қизиқарли фикр-мулоҳаза, савол ва жавобларга бой тарзда ўтди.

**Шаҳриёр ЖАЛОЛОВ,**
**Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети журналистика факультети талабаси**

**Транспорт**

## ҲАМ БИЛИМ, ҲАМ АМАЛИЁТ

***Мамлакатимиз темир йўлларида ҳаракатланаётган тезюрар поездларни бошқариш ҳар бир машинистдан катта билим ва малакани талаб қилади. Шундан келиб чиқиб, «Ўзбекистон темир йўллари» Давлат компанияси томонидан машинист ва машинист ёрдамчиларини тайёрлашга алоҳида эътибор берилмоқда.***

Компания тасарруфидаги корхона ва муассасаларни малакали кадрлар билан таъминлаб келаётган ўқув маркази тингловчиларга пухта билим бераётир. Марказ ўқув дастурларига мос равишда ҳар бир ўқув хонаси зарур асбоб-ускуна, кўргазмали қуроллар билан таъминланган. Машғулотлар жараёнида интерфаол усуллардан фойдаланиш эса самарадорликни бермоқда.

— Ҳозирда республикамиз темир йўл тизимида тепловоз машинистлари ва унинг ёрдамчиларига талаб ортган, — дейди катта ўқитувчи Салим Тошхўжаев. — Буни инобатга олиб, мавзу доирасида тингловчиларга батафсил тушунтиришга алоҳида урғу бераяпмиз.

Тингловчилар орасида автотормозчи, тепловознинг реостат текшируви усталари, тезлик ўлчовини текширувчилар ҳам бор.

Битирувчилар махсус мутахассислардан иборат комиссия аъзоларининг имтиҳонидан муваффақиятли ўтгачгина, уларга сертификатлар берилади. Ҳозирда дунё миқёсида ишлаб чиқарилаётган замонавий электровозларнинг ишлаш механизми тўлиқ компьютерлашган. Тингловчиларнинг бу борадаги билим-кўникмаларини ошириш мақсадида машинистлар учун 20 дан 40 соатгача компьютер дарси киритилди.

Электровозларнинг ҳаракат хавфсизлигини таъминлайдиган қурилма бўйича уларда маълум кўникмалар ҳосил қилишга алоҳида аҳамият берилмоқда.

**Акбар АЛИЕВ**

## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

**1-Республика тиббиёт коллежи маъмурияти 2012-2013 ўқув йили учун қуйидаги умумтаълим ва махсус фанлар бўйича Тошкент шаҳрида доимий рўйхатдан ўтган, олий маълумотли мутахассисларни ИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ.**

**Умумтаълим фанлари бўйича:**

1. Информатика — 1 та (рус гуруҳлари учун)
2. Физика — 1 та (рус гуруҳлари учун)
3. Математика — 1 та (рус гуруҳлари учун)

**Махсус фанлар бўйича:**

1. Фармация йўналиши махсус фанлари — 2 та

**Манзилимиз: 100043, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Е даҳаси.**
**Тел: (371) 277-85-94.**
**Факс: (371) 277-22-13.**
**Мўлжал: метронинг «Ҳамза» бекати.**

**«Respublika mulk markazi» ЁАЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 31.12.2009 йилдаги 343-сонли қарорига мувофиқ, Тошкент вакцина ва зардоблар илмий текшириш институтининг 07.08.2012 йилдаги 275/265-Al-сонли хатига асосан Тошкент вакцина ва зардоблар илмий текшириш институтига тегишли, Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, Бодомзор йўли кўчаси, 37-уйда сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

1. «ГАЗ-31029» русумли, 1993 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10АС733 бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 3 633 019 сўм.
2. «ГАЗ-31029» русумли, 1993 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10АК944 бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 1 127 914 сўм.

**Аукцион савдоси 2012 йил 17 сентябрь куни соат 11:00 дан бошлаб ўтказилади.**

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2012 йил 14 сентябрь куни соат 18:00.

Юқоридаги автотранспорт воситалари 2012 йил 17 сентябрдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдолари 2012 йил 24 сентябрь ва 1 октябрь кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2012 йил 24 сентябрдаги такрорий савдолар учун 2012 йил 21 сентябрь куни соат 18:00; 1 октябрдаги савдолар учун 28 сентябрь куни соат 18:00.

Савдо ғолиби деб топилган шахсга 10 иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «Respublika mulk markazi» ЁАЖнинг ОАИКБ «Ипак йўли банки» Сағбон филиалидаги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: ҳ/р: 20210000300571452114, МФО: 01036, ИНН: 200933850. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор туман, 1-Қорақамиш кўчаси, 1А-уй. Тел: 228-79-52.

# МУЗАФФАР ОЛИМПИАДАЧИЛАР ТАНТАНАЛИ КУТИБ ОЛИНДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Бугун ёшларимиз энг нуфузли халқаро мусобақаларда, олимпиада ва жаҳон чемпионатларида ҳеч кимдан кам эмаслигини амалда исботламоқда. Спортчиларимиз ёзги Олимпия ўйинларидан ҳеч қачон медалсиз қайтмаган. 1996 йилдан буён Олимпиадаларда иштирок этаётган олимпиячиларимиз Атланта, Сидней, Афина, Пекин ва Лондондаги ўйинларда бешта олтин, бешта кумуш ва ўн битта бронза медалга сазовор бўлган.

Жаҳондаги кучли спортчилар орасида совринли ўринларни қўлга киритиш, она Ватан шон-шавкатини дунёга ёйиш спортчидан машаққатли меҳнат, чидам-бардош, шижоат ва матонат талаб қилади. Қолаверса, бунинг учун зарур шарт-шароит, моддий ва маънавий кўмак, эътибор керак.

Давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 5 январда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси спортчиларининг 2012 йил Лондон шаҳри (Буюк Британия)да бўлиб ўтадиган XXX ёзги Олимпиада ва XIV Паралимпиада ўйинларида иштирок этишга тайёргарлиги тўғрисида»ги Қарорига биноан спортчиларимиз жаҳон стандартларига мос янги спорт анжомлари билан таъминланди. Замонавий меъёрлар асосида ташкил этилган ўқув-машғулот йиғинларини ўтади, халқаро мусобақаларда тажриба ва маҳоратини оширди.

Бундай юксак эътибор ўз самараларини берди. 53 нафар олимпиячимиз мураккаб саралаш босқичларидан муваффақиятли ўтиб, Лондон Олимпиадасида спортнинг ўн беш тури – бадиий гимнастика, трамполин, велоспорт, сузиш, енгил атлетика, оғир атлетика, байдарка ва каноэда эшкак эшиш, бокс, дзюдо, таэквондо, эркин ва юнон-рум кураши, ўқ отиш, қиличбозлик ҳамда теннис бўйича беллашувларда иштирок этди.

Спортчиларимизнинг Олимпия ўйинларидаги ҳар бир чиқишини нафақат уларнинг ота-оналари, яқинлари, мураббийлари, балки Ватан тақдирига дахлдорлик туйғуси билан яшайдиган ҳар бир юртдошимиз жуда катта қизиқиш ва ҳаяжон билан кузатиб борди.

Лондон Олимпия ўйинларида дунёнинг 204 мамлакатидан спортчилар иштирок этган бўлса, фақат 54 давлатнинг спортчилари олтин медални қўлга киритди. Улар орасида жонажон Ўзбекистонимиз спортчилари ҳам борлиги барчамизга чексиз ғурур ва ифтихор бағишлайди.

XXX ёзги Олимпия ўйинларида дунёга донғи кетган ўзбек спортчилари – дзюдо бўйича икки карра жаҳон чемпиони ва Осиё ўйинлари ғолиби Ришод Собиров, бокс бўйича икки карра жаҳон чемпиони Аббос Атоев ва эркин кураш бўйича Пекин Олимпиадаси кумуш медали совриндори Сослан Тигиев Ўзбекистон спорт делегацияси ҳисобига биттадан бронза медаль қўшди.

XXX ёзги Олимпия ўйинларининг энг муҳим воқеаларидан бири эркин кураш мусобақаларида рўй берди. Дунёнинг энг забардаст эркин курашчилари иштирок этган 120 килограмм вазн тоифасидаги баҳсларда ўзбек полвони Артур Таймазов кетма-кет учинчи маротаба Олимпия ўйинлари олтин медалини қўлга киритиб, спорт оламида кам кузатиладиган тарихий натижани қайд этди.

Артур Таймазов ғалабаси шарафига XXX ёзги Олимпия ўйинларида Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи кўтарилиб, Давлат мадҳияси янгради.

А.Таймазов ёзги Олимпия ўйинларининг эркин кураш беллашувларида уч маротаба олтин медални қўлга киритган дунёдаги учинчи полвон сифатида жаҳон спорти тарихидан жой олди.

«Икки карра жаҳон чемпиони бўлган Артур Таймазов Олимпия ўйинларининг олтин медалини учинчи бор қўлга киритди. Унинг ҳисобида Сидней Олимпиадасининг кумуш медали ҳам бор. Умумий ҳисобда тўртта олимпиада ва тўртта медаль. Бунақаси эркин кураш тарихида бўлмаган» деб ёзади nbcolympics.com сайти.

Спортда натижалар нафақат куч ва маҳоратга, балки омадга ҳам боғлиқдир. Велоспортчи Сергей Лагутин, боксчилар Элшод Расулов, Жасур Латипов, Ўктам Раҳмонов ва Фазлиддин Ғойибназаров, дзюдочи Рамзиддин Саидов, эркин курашчи Қурбон Қурбонов, енгил атлетикачи Светлана Радзивилга медални қўлга киритиш учун озгина омад етишмади. Каноэда эшкак эшиш бўйича икки карра жаҳон чемпиони Вадим Меньков, оғир атлетикачи Руслан Нуриддинов тўртинчи, Иван Ефремов эса бешинчи ўринни эгаллади.

Кейинги пайтларда олимпиадада иштирок этадиган спортчиларимиз сафи ошиб бориши баробарида улар қатнашадиган спорт турлари қамрови ҳам кенгайиб бормоқда. Хусусан, бадиий гимнастикада Ульяна Трофимова, хотин-қизлар ўртасидаги оғир атлетикада Мария Сисоева, қиличбозлик бўйича Руслан Кудаев илк бор иштирок этди. Теннисчимиз Денис Истомин кетма-кет икки учрашувда ғалаба қозониб, дунёнинг биринчи рақамли теннисчиси швейцариялик Рожер Федерергагина имкониятни бой берди.

Энг муҳими, спортчиларимиз ўзларининг шижоати ва матонати, ғалабага бўлган интилиши билан мухлису мутахассислар ҳурматини қозонди. Спорт ареналарига йиғилган хорижликлар ҳам олимпиячиларимиз иштирокидан завқланиб, уларни самимий олқишлади. «Браво, Узбекистан!» деган хитоблар Олимпиада кунлари нафақат спорт майдонларида, балки Лондон кўчаларида ҳам жаранглаб тургани бунинг далилидир.

Тадбирда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда спортни ривожлантириш ва оммалаштиришга қаратилаётган доимий эътибор самарасида ҳамюртларимиз жаҳон спорт майдонларида улкан ютуқларга эришаётгани алоҳида таъкидланди. Давлатимиз раҳбарининг куни кеча қабул қилинган «Лондон шаҳрида бўлиб ўтган XXX ёзги Олимпиада ўйинларида юксак натижаларга эришган спортчиларимиздан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги Фармони спортчиларимизга кўрсатилаётган доимий ғамхўрликнинг амалдаги яна бир ифодасидир.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев иштирок этди.

**Анвар САМАДОВ,**
**Байрам АЙТМУРОДОВ,**
**ЎзА мухбирлари**

## Спорт янгиликлари

# ЖАНГОВАР ДУРАНГ

***Мамлакат XXI миллий чемпионати профессионал футбол лигаси жамоалари ўртасида уюштирилган 15-турнинг марказий учрашуви «Пахтакор» марказий стадионида бўлиб ўтди.***

Стадионга йиғилган минглаб мухлислар «Тошкент дербиси» номини олган пойтахтимизнинг етакчи жамоалари «Пахтакор» — «Бунёдкор» ўртасидаги баҳсга гувоҳ бўлишди.

Айтиш жоизки, ҳар сафар бу икки номдор жамоа ўртасидаги беллашув шиддатли курашлар остида, қизиқарли кечади. Аммо айтиш жоизки, Миржалол Қосимов бош мураббийлигидаги «Бунёдкор» жамоаси шу кунгача ўтказилган ўйинлар натижаларига кўра «Пахтакор»дан бироз устунроқ. Лекин «Пахтакор» стадионида бўлиб ўтган аксарият ўйинларда дуранг натижа қайд этилганлигини таъкидлаш жоиз.

Бу сафар мутахассислару мухлислар таркиб жиҳатидан анча ёшарган пахтакорчилар шижоатли ўйин намойиш этиб, балки ғалаба қозонишар, деб тахмин қилишган эди. Бироқ бу гал ҳам томонлар муроса йўлини танлашга мажбур бўлишди. Кескин курашларга бой баҳс 1:1 ҳисобидаги жанговар дуранг билан якунланди. Дарвозаларга голларни «Пахтакор»дан — Андреев, «Бунёдкор»дан — Саломов киритишди.

Турнинг қолган учрашувларида қуйидаги натижалар қайд этилди: «Қизилқум» — «Локомотив» — 1:1, «Насаф» — «Бухоро» — 3:0, «Машъал» — «Шўртан» — 1:3, «Нефтчи» — «Металлург» — 4:0, «Динамо» — «Олмалиқ» — 0:1, «Андижон» — «Навбаҳор» — 0:1.

***Маълумки, 3-17 ноябрь кунлари Эронда футбол бўйича 19 ёшгача бўлган ёшлар ўртасида Осиё чемпионати бўлиб ўтади.***

# ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИГА ТАЙЁРГАРЛИК ДОИРАСИДА

Ушбу нуфузли турнирда иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритган Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси айни кунларда Тошкентда ўқув-йиғин машғулотларини Аҳмаджон Мусаев бош мураббийлиги остида ўтказмоқда.

Ана шу машғулотлар доирасида куни кеча «Пахтакор» марказий стадионида Ўзбекистон — Эрон ёшлар терма жамоалари ўртасида назорат-ўртоқлик учрашуви ташкил этилди. Аҳмаджон Мусаев шогирдлари учрашувнинг дастлабки дақиқаларидан фаол ўйнашга ҳаракат қилган бўлсада, тажриба ҳамда маҳорат бобида устунлик қилган меҳмонларга 1:3 ҳисобида имкониятни бой бериб қўйишди.

Ўзбекистонлик ёш чарм тўп усталаридан рақиблар дарвозасига Игорь Сергеев гол киритди. Учрашув якунланишига 6 дақиқа қолганида майдон эгалари амалга оширган пенальтини Абдулазиз Юсупов аниқ бажара олмади. Лекин нима бўлганда ҳам бу ўртоқлик баҳси ҳамюртларимизга тажриба мактаби вазифасини ўтагани аниқ.

**Акбар ЙЎЛДОШЕВ**





## Кўргазмалар

# МУҚАДДАС ЗАМИН

***Ўзбекистон Бадиий академиясининг марказий кўргазмалар залида педагог, рангтасвирчи рассом Муҳаммаджон Жўрабоевнинг «Муқаддас замин» мавзуидаги шахсий кўргазмаси очилди.***

М. Жўрабоев 1950 йилда Фарғона вилоятининг Охунбобоев туманидаги Эшонгузар қишлоғида туғилган. Ўрта мактабни битиргач Тошкентда Республика рассомчилик билим юртида, Тошкент театр ва рассомчилик институтида таҳсил олган. Машҳур рассомлар Павел Мартаков, Владимир Бурмакин, Неъмат Қўзибоев, Раҳим Аҳмедов, Абдулхақ Абдуллаевлардан сабоқ олган. Ўқув юртларида ўқиётган вақтларида ва ундан кейинги йилларда тасвирий санъат бўйича вилоят ва республика кўргазмаларида қатнашиб келади. Ўз устида ишлаб, изланиб ижод қилади.

Кўргазмага ижод намуналаридан қўйилган асарларида маданиятимиз арбоблари портретлари, табиат манзаралари, оналар, қиз-келинларнинг сиймолари, йил фасллари, турмуш тарзимизнинг айрим қирралари ўз аксини топган. Муаллиф буюк аллома Аҳмад Фарғонийнинг ҳаёти ва фаолиятига оид ўнлаб қаламтасвир асарлар яратган. Улардан айрим намуналари ҳам кўргазмага қўйилган. Рассом М. Жўрабоев томонидан ишланган, ихлосмандларнинг шахсий коллекцияларида сақланаётган асарлар ҳам экспозициядан ўрин олган.

Кўргазмага келган рангтасвир асарлар мухлисларидан бири Сергей Чередниченко биз билан суҳбатда шундай деди:

— Ҳаётда кўпни кўриб, ёшинг улғайиб борган сари санъат асарларини кўпроқ тушунар экансан. Бу кўргазмадаги рассомнинг айниқса «Хадичахон ая Шохимардонда», «Келин», «Узум кўтарган қиз» каби асарлари ҳаёт ҳақиқати асосида яратилган.

Кўргазма 23 августгача давом этади.

**Ҳасан АБДУНАЗАРОВ**

# ЁШ БУНЁДКОРЛАР ШИЖОАТИ

***«Бунёдкор» меҳнат жамоаларининг ташкил этилиши ёшларимизнинг ёзги таътилни мароқли ўтказиш имконини бераётир.***

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, вазирликлар, ташкилот ва корхоналар ҳамкорлигида ташкил этилган «Бунёдкор» меҳнат жамоалари талаба-ёшларнинг юртимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларидаги иштирокини таъминлаш баробарида уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга хизмат қилмоқда. Шунингдек, талабаларнинг назарий билимларини амалиётда мустаҳкамлаш имконини бераётганлиги билан ҳам аҳамиятлидир.

Айни пайтда Тошкент Давлат аграр университети, Тошкент вилояти давлат педагогика институти, Навоий тоғ-кон металлургия институтининг Олмалиқ филиалида ҳам ушбу ҳаракатнинг олти юз нафарга яқин аъзолари фаолият олиб бормоқда.

Тошкент Давлат аграр университетида ташкил этилган «Бунёдкор» меҳнат жамоасидаги 200 нафар талаба-ёшлар университет ётоқхонасини таъмирлаш ишларида фаол иштирок этаётган бўлса, Навоий тоғ-кон металлургия институти Олмалиқ филиалида 250 нафар талаба факультет биносини капитал таъмирлаш ишларига ўз ҳиссасини қўшмоқда.

Тошкент вилояти Давлат педагогика институтининг 110 нафар талаба-ёшлари иштирокида университет ҳудуди ободонлаштирилди ҳамда ўқув биносида капитал таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда.

Меҳнат жамоаларида қатнашаётган талабалар учун махсус иш кийимлари берилган, уларнинг яшаши, мазмунли дам олиши, маънавий-маданий ҳордиқ чиқариши учун барча шарт-шароитлар яратилган. «Энг яхши меҳнат отряди», «Меҳнат отрядининг энг фаол аъзоси» каби танловлар, «Камолот»да менинг ўрним» мавзусидаги давра суҳбати шулар жумласидандир. Шунингдек, талабалар соғлиғини доимий назорат қилиб бориш мақсадида тиббий соғломлаштириш пунктлари ҳам ташкил этилган.

**Алиёр ОРИПОВ,**
**«Туркистон-пресс»**

# Ўз-ўз ўрганиб доно бўлур

## МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

**Нимани ўтдан асраш керак, нимани сувдан.**

* * *

**Одамлар яхшиликни билмайди деб ёмонлик йўлига ўтиш нотўғри.**

* * *

**Хаёлда ҳамма нарса осон, ҳаётда эмас.**

* * *

**Бу дунёда ҳеч нарса тинчлик ва соғлиққа етмайди.**

* * *

**Ҳурмат ва муҳаббат талаб қилинмайди.**

* * *

**Одамларнинг гап-сўзи хотиржам яшашингга халақит беради.**

* * *

**Хулқ бўлмаса, ҳусн бир пулга қиммат.**

* * *

**Ким нима деса ишонишнинг ўзи кишининг нодон ва аҳмоқлигини кўрсатади.**

* * *

**Одам қанча паст бўлса, шунча баланддан келади.**

* * *

**Тортиб олинган бахт омонат бўлади.**

* * *

**Ҳаммасини тушуниб етганингда ҳаммасини бой бериб бўлган бўласан.**

* * *

**Яхшидан шарофат,**
**Ёмондан касофат.**

* * *

**Хоҳламай қилинган иш унмайди.**

* * *

**Моддият руҳиятни синдиради.**

* * *

**Улуғлик, аввало, бағрикенгликдир.**

* * *

**Кўнгилни тергаб турмаса, талтайиб кетади.**

* * *

**Ҳаёт ташвишлари баъзида инсонни синдиради.**

* * *

**Яхши кишининг кўнглига ҳам баъзан ёмон хаёллар келади.**

* * *

**Бахт бўлса, накд ўзи келади.**

* * *

**Бу дунёдаги энг катта бахт – кўнглингдаги хотинга ва ўзинг хоҳлагандай фарзандларга эга бўлиш.**

* * *

**Инсон табиатан ўзини алдаб яшашга мойил бўлади.**

* * *

**Болаларнинг қандай катта бўлганини билмай қоламиз.**

* * *

**Баъзилар учун ҳамма нарса муаммо.**

* * *

**Юз бериши муқаррар ҳодисанинг олдини олиб қўйган афзал.**

* * *

**Ҳар кимнинг ўз давраси, ўз муҳити бор.**

**(Давоми бор)**

**Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган**

**ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ**

*Тошкент шаҳрида **17 август** куни ҳаво бир оз ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 22-24, кундузи — 38-40 даража иссиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра **17 августда** Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг сақланиб қолишига имконият яратади, тагмиқдори паст бўлади.*

Тошкент оқшоми
Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32
ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (371) 232-11-39
2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган
Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
ISSN 2010-9229
Бизнинг электрон манзил: vto2007@mail.uz
Буюртма Г- 841
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563
Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 4970 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2
Топшириш вақти: 13.00
Нашр учун масъул Д. Исроилов
Босишга топширилди: 15.00
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

1 2 3 . 5